

МАДАЕВА Мўътабархон

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
кафедра ўқитувчиси,
mutabar_aziz@mail.ru,

АЛИШЕР НАВОИЙ “САБЪАИ САЙЁР” ДОСТОНИНИНГ МИЧИГАН УНИВЕРСИТЕТИ ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН НУСХАСИ ҲАҚИДА

ОБ ЭКЗЕМПЛЯРЕ ЭПОСА АЛИШЕРА НАВОИ «САБЪАИ САЙЯР», ХРАНЯЩИЙСЯ В ФОНДЕ МИЧИГАНСКОГО УНИВЕРСИТЕТА

ABOUT THE COPY OF THE EPIC “SAB’AI SAYYAR” BY ALISHER NAVOI, KEPT IN THE FUND OF THE UNIVERSITY OF MICHIGAN

Аннотация: Мазкур мақолада Американинг Мичиган Университети фондида сақланаётган Алишер Навоийнинг илмий мероси бўлмиш “Хамса”нинг 1485 йил Ҳиротда хаттот Абд ас-Салом ибн Абд ас-Самад ал-Маргинаний ал-Кошгарий томонидан кўчирилган қўлёзма китобига киритилган “Сабъаи сайёр” достонининг тузилиши, хаттот услублари, китоб саҳифаларидаги алоҳида ёзилган мисралар бирма бир кўрсатилган. Шунингдек, матншунослик терминлари “гloss” ва “интерполяция” ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, қўлёзмалар фонди, матншунослик, манбашунослик, хаттот, гloss, интерполяция.

Аннотация: В данной статье рассмотрены структура, каллиграфические стили эпоса «Сабъаи сайяр», входящего в рукописную книгу научного наследия Алишера Навои «Хамса», переписанную каллиграфом Абд ас-Саламом ибн Абд ас-Самад аль-Маргинани аль-Кошгари в Герате в 1485 г., хранящиеся в фонде Мичиганского университета, США, представлены в этой статье индивидуально написанные стихи на страницах книги показаны один за другим. Также дана информация о текстовых терминах «глянец» и «интерполяция».

Ключевые слова: Алишер Навои, рукописный фонд, текстология, источниковедение, каллиграфия, глянец, интерполяция.

Annotation: In this article, the Alisher Navoi's scientific heritage – stored in the fund of the University of Michigan – America, the manuscript “Hamsa”, and the epic “Sabayi Sayyar” which is included in it, rewritten in Herat by the calligrapher Abd as-Salom ibn abd as-Samad al-Marginani al-Kashgari shows one by one the structure of the epic, the styles of the calligrapher and separately written lines. Information is given about such textual terms as “gloss” and “interpolation”.

Keywords: Alisher Navoi, Manuscript Fund, Textology, Source Studies, Calligraphy, Gloss, Interpolation.

КИРИШ

XV асрдан Навоий асарлари луғатларнинг тузилиши, уларнинг хаттотлар тарафидан нусхалар кўчирилиши Навоий яшаган вақтнинг ўзида унинг ижоди жаҳоншумул аҳамиятга лойиклигини кўрсатиб беради [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил, 4 февраль ПҚ-4977-сонли қарорида ҳам “Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш” банди бор [10]. Ҳақиқатан ҳам, адибнинг илмий мероси шоир яшаб ўтган даврдан ҳозирги кунга қадар ўрганилиб келинмоқда [2]. Асарни таҳлил этиш, ёзувчи ижодига объектив баҳо бериш учун эса унинг асл матни, ҳеч бўлмаганда асл матнга яқин турган нусхага эга бўлиш керак” [3;5]. Дарҳақиқат, илмий иш устида ишлаш учун тадқиқотчи матншуносликка мурожаат қилади. Асар матни тарихини ўрганиб, адибнинг маънавияти, қобилятини, айниқса, донолик фазилатларини илмий йўл билан асослаб беради ва ўз-ўзидан матншунослик илмидан адабиёт назарияси, тилшуносликка қараб қадам ташлайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Алишер Навоий “Хамса”сининг 1485 йилда кўчирилган Абдулжамил (вафоти 1505/1506 йил)¹, Султонали Машҳадий (1437-1520) нусхалари² ва яна кўпгина XIX асргача бўлган қўлёзмалари бор [6]. Шу билан бирга

¹ раламзёлўк гнинитутитсни килсонушқраШ аФзЎ .ҳозИ .8105 № .внИ .идноф

² нирдечШ-вокитлаС грубретеП-ткнаС ахсун уБ .ҳозИ .внИ .адқомналқас адисанохбутук клах игадимон .36531 №

Американинг Мичиган Университетиде сақланаётган “Хамса”нинг 1485 йил Ҳиротда хаттот Абд ас-Салом ибн абд ас-Самад ал-Марғиноний ал-Кошғарий томонидан кўчирилган қўлёзмаси бор. Ушбу қўлёзма чигатой хатида ёзилган бўлиб 654 саҳифа, 325 варақдан иборат.

Китоб ўлчами 240x180 (171x119) mm. Қўлёзма рақами: 1194815144 [9].

“Хамса”нинг дostonлари қуйидаги саҳифалардан бошланган:

“Ҳайрат ул-аброр” дostonи 2Б саҳифа;

“Хисрав ва Ширин” дostonи 108Б саҳифа;

“Лайли ва Мажнун” дostonи 258Б саҳифа;

“Искандарнома” дostonи 348Б саҳифа;

“Ҳафт пайкар” дostonи 532Б саҳифа.

“Сабаи сайёр” дostonи милодий 1484 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида (ҳижрий 889 йил Рамазон ойи) ёзиб тугалланган. “Хамса” дostonи эса 1485 йилнинг 29 июль (ҳижрий 890 йил Ражаб ойининг 16 куни) санасида ёзиб тугатилган [9]. “Сабаи сайёр” (“Етти сайёҳ”) дostonи мазкур қўлёзмада 532Б саҳифадан бошланган ва “ركي پ تفه باتك” (“Етти гўзал”) деб номланган. Илк саҳифа 18 сатрдан иборат бўлиб, қуйидаги мисралар билан бошланган.

ای سپاسینک دیماکدا ایل تلی لال
ایلکا نیل سیندین اولدی تیلکا مقال
سیندین انسانغا تار پود جسد
جسد اجرا کونکول کونکولدا خرد

*Эй ситосинг демакда эл тили лол,
Элга тил сендин ўлди тилга мақол.
Сендин инсонга тору пуди жасад,
Жасад ичра кўнгул-кўнгулда хирад [4;9].*

“Сенинг таърифингни баён этишга халқнинг тили ожиз, сен инсонга тил бердинг, нутқ ато этдинг, жасадига қалбни ақл билан боғладинг ва инсонни азиз қилдинг”.

Қўлёзманинг 533А саҳифаси 19 сатрдан иборат бўлиб,

هیچ نیمه یوق سین ایدینک موجود
هم سین اولغونک باری بولوب نابود
وصف ذاتینکدا ثبت حرف قدم
یوق وجودینک یوزیکا کرد عدم

*Ҳеч нима йўқ сен эдинг мавжуд,
Ҳам сен ўлгунг бори бўлуб нобуд.
Васфи зотингда сабт ҳарфи қидам,
Йўқ вужудунг юзига гарди адам [14].*

Шу сатрдан сўнг, қуйидаги матнда мисраларнинг насрий шарҳи ёзилиб саҳифа ниҳоясига етган.

مناجات باری اول بابدا کیم اوزی اینی وجوددور واندين
اوزکا بارچا نابود بلکی ناموجود وهاجات اظهاری اول معنی دا
کم نابودلار کناهیغه ایننک بحررحمتی قاشیدا نی وجود بولغای
و بی وجودلار خطاسی ایننک داریای وجودی الیدا نی موجود.

“Муножоти борий ул бобдаким, ўзи аини вужуд дурур ва андин ўзга борча нобуд, балки номавжуд ва ҳожот изҳори ул маънидаким, нобудлар гуноҳига анинг баҳри раҳмати қошида не вужуд бўлғай ва бевужудлар хатоси анинг дарёи вужуди олийда не мавжуд”.

534Б саҳифа 21 сатрдан иборат. Матн хошиясининг четига тескари қилиб қуйидаги сатр келтирилган, бурчагига эса “زوي” – “юз” сўзининг ўзи ёзилган.

شمع اوتیق کویاردا پروانغ
هم سیننک عشقینک اجرا دیوانه
هم عبادت ایلیکا سین معبود
هم تعشق ایلیکا سین مقصود

*Шамъ ўтига қуярда парвона,
Ҳам сенинг ишқинг ичра девона.
Ҳам ибодат элига сен маъбуд,
Ҳам таашишук элига сен мақсуд.*

хошияга ёзилган юқоридаги байт
*Мазҳари ҳусн чун қилиб гулни,
Ўртабон шуъласига булбулни.*

мисраси билан келтирилган.
*Ким, парастии қилур худосен анга
Ким, тааллуқ сотар балосен анга.*

Мазкур мисралар 6-байт ва 9-байтнинг орасида тушириб қолдирилган байт ҳисобланади [4;15].

Бундай ҳолат 541А саҳифада:
*Ҳар варақ назми дилкушосинда,
Бир жаҳони сипеҳр аросинда.*

545А саҳифаси охирида:
*Ҳар тараф дур сочилмоғи яксон,
Эҳтиёт айламай эмас осон.
Кўп киши ерга обнош ўлди,
Кўпдин ози гулобнош ўлди.*

572Б саҳифада:
*Чирикига канора йўқ пайдо,
Махзанига шумора йўқ пайдо.*

611А саҳифада:

*Шоҳ сори кўзи тушмак эрди ҳамон,
Тонидиким эрур ҳамон меҳмон.
Ўзи берган киби тўни гулранг,
Яна гулранг тож ила авранг.*

614Б саҳифада:

*Бор эмиш гўйиё анга бир қиз,
Одами уйла кўрмаган ҳаргиз*

мисраси қолдириб кетилган бўлиб, хошияларга ёзилган. Аслини олганда хошияга ёзилган ёзувлар “глосс” деб аталади. Лекин бу мисраларни глосс деб бўлмайди. Глосс (хошия) – қўлёзманинг хошиясига котиб ёки ўқувчи томонидан бирор ўрнини тушунтириш учун ёзилган матн ҳисобланади [3;27]. Бу атама ўзбек тилида “хошия” сўзига тўғри келади. Хаттот бирор бир ҳикоятни ёзаётганида ўқувчига янада аниқроқ бўлиши учун саҳифанинг хошиясига ўзининг тафсирини ёзиб қолдиради. Лекин унинг глосслари асосий матндан ажралиб турмаса бу ҳолатда интерполяция бўлади. Бундай ҳолат Навоий асарлари қўлёзмаларида ҳам учраган [3;28]. Бунда матннинг асл нусхаси, ёзувчи қаламига мансуб эканлигини ўрганиб интерполяция эканлигини аниқлаш лозим.

ХУЛОСА

Ушбу мақолада биргина АҚШнинг Мичиган Университетида сақланаётган “Хамса”нинг 1485 йилги қўлёзмаси ва хаттотнинг услуги ҳақида маълумотлар берилди. Навоий илмий мероси ўзбек тилида кўп бўлса ҳам уларнинг қўлёзмаларини ўрганган тадқиқотчи янада янги маълумотларга эга бўлади. Бунда матншунослик ва манбашунослик йўналишлари билан изчил ўрганилса, унинг хос хусусиятлари аста-секин намоён бўлади. Шу билан бирга, қўлёзма санаси қанчалик ёзувчи яшаган даврга яқин бўлса, илмий изланишда аниқ далилларни олиш мумкин. Навоий асарларининг қўлёзмалари Туркия, АҚШ, Германия, Британия, Франция давлатлари фондларида сақланиб келинмоқда. Уларни янада теран илмий ўрганиш маданият тарихи учун аниқ фактлар ва қизиқарли маълумотлар беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV-XX аср боши). – Т.: Тамаддун, 2018.
2. Ғиёсиддин Бинни Ҳумомиддин Хондамир. Макоримул-ахлоқ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
3. Эркинов А.С. Матншуносликка кириш. – Т.: Республика таълим маркази, 1997.
4. Алишер Навоий. Сабаи сайёр (Насрий ва назмий баён). – Т.: Ғафур Ғулом, 1991.
5. Алишер Навоий. 10-том. Хамса. Сабаи сайёр (Назмий баён). – Т.: Фан, 1992.
6. Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института востоковедения. – М.: Наука, 1980.
7. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари // Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Фан, 1993.
8. <http://navoiy.uz/navoiy/1252-sheriyat8196osmonin8196porlok8196yulduzi.html>. иқтибос олинган сана: 14.05.2022
9. “Сабаи сайёр” достони қўлёзмаси нусхаси. Мичиган университети қўлёзмалар фонди (АҚШ) // <https://catalog.hathitrust.org/Record/006813678.html>. иқтибос олинган сана: 14.05.2022
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 февралдаги “Алишер Навоий номидаги Халқаро жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4977-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/5260746>. иқтибос олинган сана: 14.05.2022